

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 (11.369)

Баҳоси эркин нархда

2009 йил, 22 март, ЯҚШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида «Хуш келибсан, Наврўзим!» мавзудида кўрғазма очилди.
- Самарқанд вилояти ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида Наврўз байрами арафасида «Иждокор ихтирочи» кўрик-танлови ҳамда «Варраклар» мусобақаси ўтказилди. Болалар жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда барча туман, шаҳарлардан ихтирочи ўқувчилар қатнашди.

- Ўз ичига республикамиздаги 200дан ортиқ корхонани бирлаштирувчи «Ўзбекингилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси тизимида Наврўз байрами арафасида Навоийда «Навбахор текстил», Ғазалқенда «Ўзборитекстил» хорижий корхоналари, Тошкентда «Платинум инвест», Гулистонда «Мили гулистонтекстил» корхоналари, Бухорода «Вобкенттекс» йигирувчи шўба корхонаси, Марҳаматда МЧЖ «Полвонтош текстил» каби бир варакайига 7 та янги корхона фойдаланишга топширилди.
- «Қамолот» ЁИХ Хоразм вилояти бўлими Кенгаши, халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида «Энг яхши китобхон-2009» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

- Андижон вилоятининг Кўргонтепа туманида барча турдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича янги марказ очилди. 8 киши ишли бўлган ушбу марказнинг мижозлари нафақат маҳаллий аҳоли, балки транзит йўли билан туман бўйича ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг хайдовчилари ҳамдир.
- Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида мамлакатимиз фуқаролари учун янги ҳисоблаштиш Украинанинг Windrose («Шамоллар гули») авиакомпаниясининг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбиркорлар, Ўзбекистон ҳудудида авиачипталар савдоси билан шуғулланувчи фирмалар вакиллари, маҳаллий ва хорижий ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирда янги авиакомпаниянинг Ўзбекистон бозорига фаолият бошлаётганлиги тўғрисида маълум қилинди.

- Бувайда туманидаги Янгикўрган қишлоғида «Эгамберди ота» маиший хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсата бошлади. Ушбу мажмуада телефон, компьютер, телевизор таъмирлаш устaxonалари, сартарошхона ва «Гўзалик салони» фаолияти йўлга қўйилган. Энг муҳими, 30 нафар йигит-қиз бу ерда ўз иш жойига эга бўлди.

- Бувайда туманидаги Янгикўрган қишлоғида «Эгамберди ота» маиший хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсата бошлади. Ушбу мажмуада телефон, компьютер, телевизор таъмирлаш устaxonалари, сартарошхона ва «Гўзалик салони» фаолияти йўлга қўйилган. Энг муҳими, 30 нафар йигит-қиз бу ерда ўз иш жойига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

- АҚШ Президенти Барак Обама Эрон ҳақида ҳуқуқатига видеомурожаат қилиб, уларни Наврўз байрами билан табриклади. Шунингдек, узоқ йиллардан буён илк бор Исроил Президенти Шимон Перес ҳам Эрон раҳбариятига Наврўз байрами муносабати билан табрик йўллади.

- Россиянинг «Газпромбанк» ва «Аэрофлот» компаниялари авиаташувлар юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича қелишиб олдилар.
- Чехия ҳуқуқати қабул қилган қарорга кўра ушбу мамлакатда Америка радарини ўрнатиш бўйича овоз бериш жараёни номаълум муддатга қолдирилди.

- Кеча Халқаро космик станцияга муваффақиятли туташган АҚШнинг «Дискавери» космик кемаси астронавлари станциянинг ташқи қисмига кўйш батареаларини ўрнатиш ишларини якунига етказдилар.

- Кеча Қозғоғистоннинг жанубий қисмидаги қурол-ярғоқ омборида чиққан ёнгин натижасида икки ҳарбий ҳаётдан кўз юмди, 16 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди, икки киши бедарак йўқолди.

- Иқтисодий инқироз муносабати билан АҚШ почта хизмати ўз ходимларидан 150 минг нафарини муддатидан олдин пенсияга чиқаришга қарор қилди.

- Кеча Москва вилоятида 3 йилдан буён турли-туман жиноий ҳаракатларни амалга ошириб келаётган 7 кишидан иборат босқинчилар тўдаси қўлга олинди.

- Кеча Афғонистонда амалга оширилган иккита террорчилик ҳаракатлари натижасида 4 нафар канадалик ҳарбий ҳаётдан кўз юмди, 8 таси тан жароҳатларини олди.

- Испания пойтахти Мадрид шаҳри мэриyasi 2016 йилги Олимпиада ўйинларини ўтказиш борасида ўз номзодини қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказилаётган реклама кампаниясига қўшимча равишда 10 миллион евро ажратди.

- Электроника анжомларини жаҳон бўйлаб етказиб берувчи етакчи компаниялардан бири Япониянинг Panasonic корпорацияси корхонанинг олий ва ўрта бўғин раҳбарлари ўртасида «Panasonic»ни харид қил!» кампаниясини ўтказишга қарор қилди.

- Англияда ёш аёлни ўлдиришда айбланиб 27 йил давомида ноҳақ равишда қотилининг ўрнига қамоқ жазосини ўтаган Шон Хорсон озодликка чиқарилиди. Айтиш кераки, ДНК таҳлили натижалари унинг айбсиз эканлигини исботлади.

ЯШАРИШ, ЯНГИЛЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда баҳор нафаси тобора кучайиб, атроф-муҳит яшилди либосга бурканиши билан, орзиқиб кутган Наврўзи оламнинг юртимизга кириб келиши ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён сақлаб келиб ва эъзозланиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одадимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг сеvimли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз.

Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгилашни палласи, шарқона янги йилнинг дебوحаси сифатида ардоқлаймиз.

Бу дилбар фаслда табиат очилиши, еру кўк уйғониши билан ўзимизни янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш ургандек бўлади.

Бунинг тасдиғи айни шу кунларда – барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмига пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳою водийларимизда ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-кўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб одамларнинг шоду хуррамлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юртимиздаги ана шундай самимий, дилкаш муносабатларни кўрганда, биз қандай саховатли ва меҳрибон, кўнгли очик халқнинг фарзандлари эканлигини яна бир бор чуқур англаймиз ва бундан қалбларимиз беихтиёр ғурур ва ифтихорга тўлади.

Наврўзи олам мана шундай ёруғ кунларда юрагимиздан кечираётган олижаноб ҳис-туйғуларни намоён этиб, бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатиш, кексаларни зиёрат қилиш, ногиронлар, беоморлар ва кўмакка муҳтож одамларга беминнат ёрдам беришдек гўзал фазилатлари билан Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар учун гоят азиздир.

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилиқ ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамимизда қатнашаётган хорижий меҳмонларимизга, элчилар ва чет эл ваколатхоналарининг вакилларига, барча-барча дўсту ҳамкорларимизга уларни бизнинг қадимий урф-одат ва анъаналаримизга кўрсатган ҳурмат ва эътибори учун сизларнинг номингиздан миннатдорчилик билдириб, чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда бутун халқимиз янги йилда ўз олдимизга кўйган юксак вазифа ва марраларни амалга ошириш йўлида белни маҳкам боғлаб, эртанги кунга катта ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Айниқса, фидойи деҳқонларимиз ва фермерларимиз 2009 йилга «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берилгандан руҳланиб, яхши ният ва азму шижоат билан бепоён далаларимизда янги мавсумни бошламоқда.

Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишинга боғлиқ, деб бежиз айтмайди.

Баҳор фаслининг юртимизга серёмғир келиши, кузда эккан экинларимиз тобора кучга тўлиб, кўкка бўй чўзаётгани, ўлкамизда олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, Наврўз айёмини мана шундай шуқроналик ва мамнунлик қайфиятида, хурсандчилик билан кутиб олаётганимиз – буларнинг барчаси бу йилги кўзлаган юксак марраларимизга, орзу-ниятларимиз ва мақсадларимизга албатта эришамиз, деган ишонч тугдиради.

Бу борада турли қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнатчиларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншоолло, ўтган йилгидан кам бўлмайди. Шундай деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Муҳтарам ватандошларим!

Юртимизга Наврўз байрами кириб келиши билан мен бугун шу муҳташам ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, азизларимизга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурматиمنى билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган энг самимий тилакларимни изхор этишни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Илоё, хонадонларимиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўйга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж



Диёримиз узра Наврўз нашидаси кезмоқда. Қиш либосини ечган борлиқ ўз гўзаллигини кўз-кўз қилмоқчидек турфа рангда жилоланади. Қут-барақа, эзгулик, меҳр ва муруват, одамийлик ва оқибат айёми – Наврўз дилларни сурур ва умидга тўдиради.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳуқуқат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келади.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусикаси янграйди.

Президент Ислон Каримов минбарга тақлиф этилади.

Давлатимиз раҳбари барчани умумхалқ байрами, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми билан самимий қутлади. Ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва

анъана-удумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.


Муаззам майдон узра шўхчан куй – Наврўз навоси таралади. Шаббода шивир, қушлар чуғури, жилгалар жилдирашига ҳамоҳанг бу наво дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол жисму жонимизга ёқимли илиқлик таратади.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз сайли неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган ҳаётбахш ва гўзал қадриятларимиздандир.

Наврўз мустақиллик йилларида янги маъно-мазмун касб этди. У ҳамжихатлик, бағрикенглик, ҳайру саховат ва меҳроқибат каби халқимизга хос фазилатлар тимсолига – умумхалқ байрамига айланди.

Халқимиз бу йил Наврўзни ўзгача тадорик билан қарши олмақда. Қўкламнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўк-ламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Юртимизда байрамолди ҳашарлари ташкил этилиб, унда ёш қари, каттаю кичик фаол иштирок этди. Маҳаллалар, қишлоқлар, кўчалар, турар-жойлар ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул қўчатлари ўтқазилди.

(Давоми 2-бетда).



ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ, НАФОСАТ АЙЁМИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Барчамизнинг илдизимиз, томиримиз она заминга боғлиқ. Шу боис Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча, аввало, қишлоқ тимсолида намён бўлади. Халқимизнинг ризқ-рўзи захматкаш деҳқонларимиз етиштирадиган ноз-неъматлар билан ўлчанади.

Наврўз байрамининг мазмун-моҳияти саховатли замин билан, деҳқону соҳибкорларимиз, чорвадору миришкорларимиз меҳнати билан, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ.

Майдон теграсида ҳилпираётган байроқлар табиатнинг анвойи ранглирига уйғунлашиб кетган. Кўкда тебраниб турган улкан ҳаво шарлари дилларга ўзгача завқ бағишлайди. Саҳна гирдидаги турфа гуллар кўёш нурларида сирли жилланади...

Болажон халқимизнинг улуг байрамини бахтиёр кичкинтойлар бошлаб беради. Юзларида самимият ва беғуборлик балқиган ўғил-қизларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари барчани болаликнинг сирли оламига етаклайди.

Баҳорни бежиз ёшликка менг-замайдилар. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб баркамол авлод тарбиясига, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ўзгаришлар силсиласида ёшлар сиёсати устувор аҳамият касб этади.

Халқимиз эртанги кун умиди билан, ёруғ келажакка ишониб яшайди. Шу боис бугун барпо этаётган янги ҳаётни биз, аввало ўзимиз, қолаверса, ўсиб келаётган авлодимиз учун курмоқдамиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Ўтган 2008 йил – “Ёшлар йили”да ўғил-қизларимизга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ёшлар том маънода бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айлиниб бормоқда.

Ўтган 2008 йил – “Ёшлар йили”да ўғил-қизларимизга янада кенг йўл очиб бериш, уларнинг соғлом ва баркамол вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ёшлар том маънода бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айлиниб бормоқда.

Ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Барчамизнинг илдизимиз, томиримиз она заминга боғлиқ. Шу боис Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча, аввало, қишлоқ тимсолида намён бўлади. Халқимизнинг ризқ-рўзи захматкаш деҳқонларимиз етиштирадиган ноз-неъматлар билан ўлчанади.

буси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт ўйинлари юксақ самаралар бермоқда. Болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли замонавий спорт мажмуаларида жисмоний камолотга етган ёшларимиз халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтармоқда. Пекинда ўтган ХХХ Эзги олимпиада ўйинларида спортчиларимиз битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медални қўлга киритди. Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё биринчилиги мусобақаларида фахрли иккин-



арқон тортиш, тош кўтариш, мерганлик томошалари қизигандан қизийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалак ва халим ҳиди димокни қитиклайди...

Наврўз айёми азалдан меҳроқибат, саховат, бағрикенглик ифодаси бўлиб келган. Ўтмишда Наврўз куни урушлар тўхтаган, гина-қудуратлар унутулиб, элда тинчлик, осойишталик қарор топган. Ота-боболаримиз бундай кунларда фақат эзгу ишлар қилишга, кексаларнинг дуосини олиб, етим-есир, бева-бечора, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик кўрсатишга интилганлар.

Ана шундай эзгу фазилатлар Мустақиллик туфайли қайтадан топади. Бу қутлуг айёмнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол намён бўлади...

Наврўз арасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли аъёнга айланган. Шу кунларда юртимизда янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектилари, тиббиёт муассасалари, маданият ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар замирида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўқин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниётлар мужассам. Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилган. 2008 йилда иқтисодий ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Ҳажми янги инвестициялар асосан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган изчил сиёсат туфайли 2008 йилда ўртача иш ҳақи 1,4 баробар ошди. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочиларнинг она юрти, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Муסיкий оханлар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавақ бағишлайди...

Аждодларимиз янги меҳнат йилини айна Наврўздан бошлаганлар. Деҳқонларимиз эл-юрт дастурхони тўқин бўлсин, деган ниётида ерга барака уруғини сочганлар. Айна кунларда фермерлар кўкдам юмушлари билан банд. Фаллазорлар озиклантирилиб, ер майдонлари экишга тайёрланмоқда. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланган фермерларимизнинг 2008 йил пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, галла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил этгани уларга яратиб берилган шарт-шароит ва эътибор самараларидандир.

...Қорлар эриб, кўкдам либосига бурканган қир-адирларда баҳор элчилари – бойчечаклар, лолаки-эгалдоқлар кўзни қувнатди. Арқон солиб турналар учиб келади.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақслар самога сочилган рангин мушакболликка уланиб кетади...


Миллий бог бўйлаб ёйилган қандолатчилик расталари сайил қатнашчилари, болажонлар билан гавжум. Миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўрғазмаси эътиборни тортади.

Юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезади. Шаҳар ва қишлоқларимизда, беповён дашту дала-ларда Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

Вожди ЛУҚМОН, Ўза шарҳловчиси, Сарвар Ўрмонов ва Ўзо Абдуллаев (Ўза) олган суратлар

Кутловлар

Солтан ПИРМУХАМЕДОВ, Туркменистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси:



— Меҳмоннавоз, аъналарию урф-одатлари, тарихи ва маданияти бой бўлган ўзбек диёри, унинг кўпмиллатли халқи Шарқ дунёсида эъзозланиб келинаётган гўзал ва ҳаётбахш Наврўзи оламни тантанали нишонламоқда. Миллий қадрият сифатидаги бу байрам Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида эришилган истиқлол туфайли ҳақиқий умумхалқ айёмига айланди.

Шу шукўхли кунларда Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик корпус, Туркменистон элчихонаси ва шахсан ўзим номидан Ўзбекистон халқига юксақ ҳурмат ва эҳтиром билдирган ҳолда Наврўз байрами билан самимий табриклаб, чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, бахт ва фаровонлик, муваффақиятлар тилаш мен учун катта шарафдир.

Мазмун-моҳияти билан инсоний қадриятларни ўзида мужассам этувчи ушбу ноёб байрамни Ўзбек халқи тантанавор, яратувчанлик ва эзгуликни мақсад қилган ҳолда, ўзига хос ва мос меҳмоннавозлик ва албатта, янги-янги ютуқлар билан қаршилаётгани ҳам катта маънони аңлатади. Бунга мамлакат раҳбарининг яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг ййғилишидаги чуқур мазмунли маърузасида юқори баҳоланган республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳам ёрқин далилдир.

Биз, бу қутлуг заминда фаолият юритаётган дипломатлар, Ўзбекистон иқтисодий тарқорор ривожланаётгани, барча баҳбаларда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг халқ фаровонлигига хизмат қилаётгани, халқаро майдонда мамлакат нуфузи ортлиб бораётганидан чин дилдан хурсандимиз. Буларнинг бари — кўпмиллатли Ўзбекистоннинг ўз таңлаган йўлига содиқлигининг, давлатлараро ва халқлараро ҳамжиҳатлик сари илдам қадам ташлаётганининг яққол тасдиғидир. Демакки, Ўзбекистоннинг улкан имкониятлари, табиий ва интеллектуал салоҳияти, халқнинг ҳамжиҳатлигига асосланган келажакни албатта ҳужум бўлади.

Ишончим комилки, эришилаётган ютуқларда ватанпарвар, юқори фуқаролик нуқтаи назарга эга ва ўз аждодларининг қадр-қимматини эъзозлаб келётган ҳар бир ўзбекистонлик бор.

Яна бир бор ўзбек халқини, ҳар бир ўзбек оиласини байрам билан табриклаб, узоқ ва бахтли умр кўришига тилақдошман. Баҳор байрамини янги-янги ютуқлар ва омад келтирсин. Мамлакатларимиз, халқимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва яқин қўшничилик алоқалари кун сайин мустаҳкамлашиб бораверсин.

Вячеслав ПОХВАЛЬСКИЙ, Украинанинڭ Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— Украина элчихонаси кўпмиллатли Ўзбекистон халқини, бу гўзал заминга таширф буюрган барча меҳмонларни янгилашиш ва меҳр-саховат байрами — Наврўз билан самимий кутлайди.

Барчага тинчлик ва эзгулик, мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, оилавий хотиржамлик, мамлакатингизга барқорор ривож тилаб қоламиз. Ҳар бир янги кун сизга омад олиб келисин! Фаровон ҳаёт хаммамизга ҳамроҳ бўлсин!

Илко СЛАВЧЕВ, Болгариянинг Ўзбекистон Республикасидаги Муввақат ишлар вакили:

— Ақид дўстлар, табиатан янгилашиш айёми Наврўз байрамини сизлар билан нишонлаётганимдан гурурланаман.

Ўзбекистон — гўзал диёр. Бу — неча-неча минг йиллар давомида Наврўз аъналарини сақлаб, ўзининг ҳаёт мазмунига айлантирган қалби гўзал инсонлар диёри.

Мен илк марта бундай фараҳбахш айёмни ўзбек халқи билан бирга кутиб олар эканман, ушбу байрамга олиб боришдан кенг қамровли тайёргарликлардан ҳам воқиф бўлган ҳолда, сизнинг бундай ноёб аъналарингиз бежиз меннинг юртдошларим қалбига чуқур сингиб кетмаган эканлигини энди аңглаб етдим.

Халқларимизни ўзига хос кўринмас, бироқ узилмас хотиралар боғлайди. Янбола ва Хасково шаҳарларининг кўплаб фуқаролари ёши анча улуг бўлсада, аммо хануз сизнинг эзими Тошкентингиз, унинг меҳмоннавоз одамларини гурур билан тилга олиб, биргаликда шаҳарни тиклашга ҳисса қўшган дамларини ёдга олишади.

Эндиликда сизнинг гўзал аъналарингиз, меҳмондўстлигингиздан ўзим ҳам баҳраманд бўлаётиман. Дарҳақиқат, сизни жаҳон ила аслар оша дўстлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенг, саховатпешалikka йўрғилган қадриятларингиз боис дунёда номи кетган халқ дейишлари бежиз эмас экан!

MFS Жонажон диёримизга ўзининг қутлуғ қадамлари ила кириб келган қадимий айём, меҳр-оқибат байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қадрли юртдошларимиз, ҳамшаҳарларимиз ва барча тадбиркорларни чин дилдан табриклаймиз.

Қишлоқ тараққиёт ва фаровонлиги йилда бошлаган ҳар бир ишнингизда муваффақиятлар ёр, бахту ниболнингиз барқарор бўлсин.

«MET FUR SERVICE»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси



ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни поклик ва янгилашни раизи бўлиши

НАВРЎЗИ ОЛАМ

байрами билан самимий муборақбод эшамиз.

Дилингиз таргон, йўлларингиз равои бўлсин, азизлар.

«ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

КУЙ-ҚЎШИҚЛАРДАН ДИЛ ЯЙРАДИ

Ўлкамизга ГЎЗАЛ ВА ФУСУНКОР БАҲОР КИРИБ КЕЛДИ. АНҲОР БЎЙЛАРИДА ЯЛПИЗНИНГ ХУШБЎЙЛАРИ ДИМОҚҚА УРИБ, ТУРНАЛАРНИНГ «ҚУР-ЕЙ-ҚУР-ЕЙ»ЛАРИ ТАРАЛИБ АРИҚЛАРДА ШИЛДИРАГАН СУВЛАР ТАФТИДАН ГЎЁКИ БУТУН ОЛАМ ЁРИШИБ КЕТДИ.

Уйғониш фаслининг гаши бўлакча. Бир тарафда бободехон иш бошласа, бошқа тарафда момою-бувижонлар сумалакка тайёргарликни бошлаб бугдой ундиришади. Гўзал баҳор қатор байрамларни бошлаб келади. Яқинда мана шундай байрамларнинг бири Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида бўлиб ўтди.

сингиллар, — деди тадбирни очар экан «Дўмбиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Қаюмов. — Барчангизни яшариш, уйғониш, гўзаллик ва нафосат байрами билан бутун маҳалламиз аҳолиси номидан муборақбод этаман. Доимо соғ-саломат бўлинг, оилангизда ҳамisha хотиржамлик, тинчлик-тотувлик ҳукм сурсин. Дастурхонимиз тўкин, маҳалламиз обод, она-Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин.

Тадбирда маҳалладаги ҳар бир хайрли ишларга бош бўлиб келётган фаол аёлларга шаҳар ва туман ҳокимликларининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Ўзбек Миллий академик драма театрининг таникли санъаткорлари Теша Мўминов, Яйра Абдуллаева, Саида Раметова, Раъно Ярашева, Зухра Ашуровалар ижросида янграган дилрабо куй-қўшиқ, шеърлардан дил яйради.

Маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан ташкил этилган байрам тадбирига маҳалладаги ва тумандаги фаол аёллар, пиру бадавлат онахонлар отахонлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакиллари тақлиф этилди.

Бир пиёла чой устида, дилрабо куй-қўшиқлар янграган даврада ўтирган маҳалладошлар дилдан суҳбат қурдилар, эл эъзозидан санъаткорларнинг беназир санъатларидан баҳраманд бўлдилар.

— Элимизда байрамларга байрамлар уланмоқда, — дейди жумладан тадбирда сўз олган Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хо-

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г - 206

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Навр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР ВА АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Ўлкамизга файзу барокат улашиб кириб келган улуғ айём —

Наврўз байрами барчангизга муборақ бўлсин!

Ҳамиша соғлигингиз мустаҳкам, узогингиз яқин, мушқулнингиз осон бўлишига тилақдошмиз. Йил бўйи байрам шукҳи қилларингизга ҳамроҳ бўлсин.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

«ТОШАВТОБУСТРАНС»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзининг 2200 йиллик қутлуғ тўйига тайёргарлик кўраётган азим пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларини бутун оламни яшилликка бурқаб кириб келган

Наврўз олам

байрами билан табриклайди. Сизларга бахт-саодат, омад, Ватанимизнинг равақи йўлидаги фарсиятнингизда ҳам муваффақиятлар ёр бўлсин!

кўнгиллар тоғдек кўтарилиб, янада меҳр билан ишлашга интилар экансан, — дейди туман «Оила» маркази раҳбари Ҳолида Юлдашева. — Оилалардаги тинчлик-хотиржамлик, қизларимизни ҳаётга, оилага тайёрлаш, ёшлиқдан спортга меҳр қўйиб, соғлом бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш асосий вазифаларимиздан бири саналади. Оилавий ажримларнинг олдини олиш, тиббий кўрикнинг аҳамияти, қонуний никоҳдан ўтиш, соғлом онадан соғлом авлод дунёга келишини ёшларга тушунтириш ҳам «Оила» маркази фаолиятининг негизини ташкил этади. Бу хайрли ишларимизни рағбатлантириш бизни кўпроқ изланишга, маҳаллалардаги ҳар бир оилга кириб боришга чақиради.

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ КЕЗИБ ЮРГАН АЙНИ КЕЗЛАРДА КЎКЛАМ ТАРОВАТИНИ МАДҲ ЭТАДИГАН ТУРЛИ БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Ўқувчилар мамнун бўлишди

Тадбирда шунингдек, туманда жойлашган Ю.Ражабий номидаги педагогика коллежининг ўқитувчи ва ўқувчилари ижросида янграган мумтоз наволар барчани даврага чорлаб байрамга янада кўтаринкилик бахш этди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ана шундай кечалардан бири Юнусобод туманидаги 58-ихтисослаштирилган ҳарбий мактабда ўтказилди. Унда ўқувчилар, педагогик жамоа вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Кечани мактаб раҳбари Саодатхон Худойкулиева кириш сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди:

— Наврўз халқимизнинг минг йиллик тарихини ўзида мужассам этган байрам ҳисобланади. Унинг қадимийлиги ҳақида кўплаб аллоамларнинг китобларида қизиқарли маълумотлар қайд этилган. Мустақиллик йилларига келиб, Наврўз янада кадр топди. Унинг азалий кадр-қиммати тикланди. Сизу биз нишонлаётган бугунги шодийна ана шу имконият натижасидир.

Шундан сўнг, бошқа сўз олувчилар ҳам йиғилганларни байрам билан самимий муборақбод этишди. Мактаб хаваскорлари ижросидаги «Офтоб қикди оламга», «Бинафшажон-бинафша», «Сумалак — сим-сим малак», «Наврўз — янги кун демек» сингари театрлаштирилган концерт дастурлари йиғилганларда илиқ таассурот уйғотди.

Айниқса, ҳарбийлаштирилган синф ўқувчилари ўртасидаги тазквондо, енгил атлетика, қувноқ стартлар мусобақалари байрам иштирокчилари эътиборида бўлди. Бир пиёла чой устидаги ўзбекона дастурхонга миллий таомлар тортилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

256